

Жума куни қаҳф сурасини ўқидингизми?



10:25 / 21.06.2019 1743

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Қаҳф сурасини жума куни қироат қилса, унга икки жума орасича нур зиё сочади», – дедилар».

Бошқа нусхада:

«У билан Байтул Атийқ орасича нур зиё сочади», – дейилган.

Ҳоким ва Байҳақий ривоят қилишган.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким жума куни Қаҳф сурасини ўқиса, қиёмат куни унинг қадами остидан нур чиқиб, осмону фалакни ёритади ва унинг икки жума орасидаги гуноҳлари кечиради», – дедилар».

Абу Бакр ибн Мардуяҳ ривоят қилган.

Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳ: «Жума куни Қаҳф сурасини қироат қилиш суннат», – деганлар.

«Жума ҳақидаги оят ва ҳадислар» китобидан